

3/2023,
may-iyun
(№ 00065)



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАРКИБИ ВА ДИНАМИКАСИНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

Сапаров Куатбай Абдирахманович

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти мустақил изланувчиси. Тошкент, Ўзбекистон. kuatbay.saparov@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss3/i23

Аннотация

Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикаси инвестиция бозорининг самарали фаолияти турли субъектлар, инвестиция мақсадлари, инвестиция талаби ва таклифи, давлат сиёсати нуқтаи назардан доимий ва тизимли баҳоланиши. Инвестиция бозорининг моҳияти ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, миллий инвестицион жараёнлар шароитида давлатнинг инвестиция сиёсати йўналиши бўйича самарали бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш зарурати муаммоларини чуқурроқ кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: инвестиция бозори, инвестиция мақсади, инвестиция талаб ва таклифи, миллий инвестицион жараёнлар, инвестиция сиёсати, трансформацион жараёнлар, индивидуал ва институционал инвесторлар, реал инвестициялар.

ЭКОНОМЕТРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СОСТАВА И ДИНАМИКИ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКУ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

Сапаров Куатбай Абдирахманович

Независимый исследователь (PhD) института повышения квалификации кадров и статистических исследований

Аннотация

В данной статье описывается непрерывная и систематическая оценка эффективной деятельности инвестиционного рынка Республики Каракалпакстан с точки зрения различных субъектов, инвестиционных целей, инвестиционного спроса и предложения, государственной политики. Также были подробно рассмотрены сущность и особенности инвестиционного рынка, проблемы необходимости выработки эффективных управленческих решений в направлении государственной инвестиционной политики в контексте национальных инвестиционных процессов.

Ключевые слова: инвестиционный рынок, инвестиционная цель, инвестиционный спрос и предложение, национальные инвестиционные процессы, инвестиционная политика, трансформационные процессы, индивидуальные и институциональные инвесторы, реальные инвестиции.

ECONOMETRIC ANALYSIS OF THE COMPOSITION AND DYNAMICS OF INVESTMENTS IN THE ECONOMY OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN

Saparov Kuatbay Abdirakhmanovich

Independent Researcher (PhD) of Institute for Staff Advanced Training and Statistical Research

Abstract

This article describes the continuous and systematic evaluation of the effective activity of the investment market of the Republic of Karakalpakstan from the point of view of various entities,

investment goals, investment demand and supply, and state policy. Also, the essence and specific features of the investment market, the problems of the need to develop effective management solutions in the direction of the state's investment policy in the context of national investment processes were considered in depth.

Keywords: investment market, investment objective, investment supply and demand, national investment processes, investment policy, transformation processes, individual and institutional investors, real investments.

Кириш

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг зарурий шarti бу – юқори инвестицион фаолликдир. Бунга реализация қилинган инвестиция ресурслари ҳажмини кўпайтириш ва улардан моддий ишлаб чиқаришнинг устувор соҳаларида, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларида энг самарали фойдаланиш ҳисобига эришилади. Инвестициялар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ривожлантириш, унинг қувватларини, технологик даражасини ошириш, янги, юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва чиқаришга мўлжалланган. Инвестициялар янги илмий-техника базасида ишлаб чиқариш салоҳиятини шакллантиради ва мамлакатнинг жаҳон бозорларидаги рақобатбардош мавқеини белгилайди[1].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инвестициялар ҳозирги глобаллашув шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг локомотивидир. Инвестицион фаолият ҳар қандай тадбиркорлик субъекти фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Инвестициялар кўп жиҳатдан давлатнинг иқтисодий ўсишини, аҳоли бандлигини белгилайди ва жамиятнинг иқтисодий ривожланиши асос бўлган пойдеворнинг муҳим элементидир. Юқорида айтилганларнинг барчаси инвестиция фаолиятини статистик таҳлил қилиш учун ҳам миллий иқтисодиёт, ҳам минтақавий миқёсда ҳамда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар даражасида назарий-услубий ёндашувлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишга эътиборни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мавзу доирасида иқтисодиётда инвестицияларнинг мазмун-моҳияти, таркиби ва унинг динамикаси бўйича иқтисодий, молявий ҳамда эконометрик таҳлилари, ундан самарали фойдаланиш масалалари ва муаммолари устида кўплаб иқтисодчи олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан, академик С.С.Ғуломов ва А.М.Абдуллаев инвестиция жараёни бизнес методологиялари ҳамда хавф-хатарда бизнеснинг ноҳушлик сиёсатини ва инновацион тадбиркорликни амалга ошириш мажмуи бўйича концептуал ёндашувларни ишлаб чиқдилар [2].

Инвестиция жараёнлари тўғрисида Б.Т.Байхонов “Инвестиция жараёни – инвестициялар амалга оширилувчи инвестицияга бўлган талаб ва таклиф муносабатлари таҳлили, унинг жамғармасини шакллантириш, ундаги таваккалчилик ва қопланиш муддатларини ўрганиш, самарадорлигини баҳолаш ҳамда инвестиция сиёсатини танлаш босқичларини амалга оширишдир [3] – деб таъкидлайди.

Профессор Д.Ғозибеконинг инвестициялар тўғрисидаги назарий қарашларида қўйидаги фикрлар баён этилган: “Инвеститсиялар бир иқтисодиёт субъекти капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан рисклар кенглиги билан фарқланган ҳолда, ҳуқуқий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан тавсифланади ва натижада мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради” [4]. Ушбу фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, инвестициялар муҳим капитал бўлиб, у рисклар доираси кенглиги билан фарқланади.

Иқтисодиёт фанлари доктори Н.Қўзиеванинг илмий ишларида инвестицияларнинг моҳияти тўғрисида: “Келгусида фойда олиш мақсадида капитални экспорт қилувчи хорижий давлатлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг капитални

қабул қилувчи мамлакатларга турли кўринишдаги бойликлар (кўчар, кўчмас мол-мулк, интеллектуал бойликлар ва бошқалар) ва улардан олинган даромадлар (фойда, фоизлар, дивидендлар, лицензия ва комиссия мукофотлар, роялти, техник таъминот ва бошқа мукофотлар)ни қўйилишига хорижий инвеститсиялар дейилади” [5], деган таъриф келтирилган. Олиманинг фикрича, инвестицияларни турли белгиларига асосланган ҳолда таснифлаш уларнинг иқтисодий моҳиятини янада ойдинлаштиради.

Асосий капиталга инвестициялар Ўзбекистонда, айниқса, сўнгги йилларда иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг муҳим омили бўлди. Бу борада, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли даромадини ошириш, бандлигини таъминлаш ва янги корхоналарни ташкил этишда инвестицияларнинг роли беқиёсдир. Шу маънода, Ўзбекистонда асосий капиталга қўйилган инвестицияларни инвестиция фаоллигининг тенденциялари ва қонуниятлари, шунингдек, иқтисодиётдаги ўсиш омиллари асосида ривожланишини статистик ўрганиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси

Минтақавий ва миллий миқёсда инвестиция жараёнларининг ривожланиши билан инвестиция бозорининг моҳияти ва фаолияти қонуниятлари ҳақидаги тушунчалар янгиланади. Қорақалпоғистон Республикаси инвестиция бозорининг самарали фаолияти турли субъектлар (инвесторлар, пудратчилар, буюртмачилар, лойиҳалаш ва тадқиқот ташкилотлари), инвестиция мақсадлари, инвестиция талаби ва таклифи, давлат сиёсати нуқтаи назардан доимий ва тизимли баҳолаш усулидан фойдаланилди.

Қорақалпоғистон Республикаси инвестиция бозорининг тенденцияларини замонавий шароитларда содир бўлаётган трансформацион жараёнларнинг хусусиятлари контекстида иқтисодий таҳлил усули қўлланилди. Республикадаги иқтисодий жараёнлар трансформация, яъни иқтисодий тизимни ўзгартириш жараёнида бўлганлиги сабабли, инвестиция бозорида трансформацион жараёнларда таққослама усули амалга оширилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ва республика асосий капиталига инвестиция ҳажмининг ўзгаришларини кўп омилли эконометрик таҳлил этилди.


Таҳлил ва натижалар

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, молиялаштириш манбалари 2010 йилда корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 57,3 %ни, қабул қилинган маблағлар 42,7 % бўлиб ундан давлат бюджети 6,6 %, чет эл инвестициялари ва кредитлари 12,6%ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2022 йилда корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари 40,0 %ни, қабул қилинган маблағлар 60,0 % бўлиб ундан давлат бюджети 12,7 %, чет эл инвестициялари ҳисобидан 38,9 %ни ташкил этди. А.Фуенте мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 2% даражасида бўлган бюджет маблағлари чегарасини кўриб чиқди. Ушбу назарияга кўра, 2% дан ҳар қандай оғиш салбий ҳисобланади.

Ушбу келтирилган фикр бўйича 2022 йилги статистик маълумотларидан фойдаланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасидаги бюджет маблағларини таҳлил қиладиган бўлсак, (бунда 2022 йилда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестиция ҳажми 10099,8 млрд. сўм ва ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 29925,4 млрд. сўм) унга кўра, 4,3 %га тенг бўлганлигидан, Фуенте чизиғидан ошиб кетиши кутилганлиги боис, ҳозирги кунда инвестиция жараёнларига давлатнинг ҳаддан ташқари аралашуви, хусусий инвесторларнинг олдини олиш, шунингдек, бюджет маблағларининг ортиқча сарфланишини англатади. Ушбу даражанинг 2% дан пастга тушиши иқтисодий жараёнларнинг ҳаддан ташқари автономлиги ва давлатнинг ўз иқтисодиётига сармоя киритишдан манфаатдор эмаслигини кўрсатади. Бу тенденция хусусий

инвестицияларнинг четга чиқиб кетишига ва миллий иқтисодиётнинг инвестицион жозибadorлик даражасининг пасайишига олиб келади.

Биз ушбу кўрсаткични Қорақалпоғистон Республикаси учун 2010-2022 йиллар учун ўрганиб чиқдик ва белгиланган чегара 2010-2013 йилгача ва 2016 йил ҳамда 2018 йилларда 2% дан пастга тушиши иқтисодий жараёнларнинг ҳаддан ташқари автономлиги ва давлатнинг ўз иқтисодиётига сармоя киритишдан манфаатдор эмаслигини кўрсатади ва ушбу даражага етиб бормаганига ишонч ҳосил қилдик. 2019–2022 йилларда 2% дан юқори (давлатнинг ортиқча аралашуви) эканлиги аниқланди. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг солиштирма салмоғи динамикаси ва йиллик ялпи ҳудудий маҳсулотнинг фоиз ўзгариши 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Қорақалпоғистон Республикасининг 2010-2022 йилларда ЯҲМ ўзгариши ва давлат инвестициялари динамикаси¹

1-расм маълумотларига кўра, инвестицияларни давлат томонидан молиялаштириш улушининг ўзгариш тенденцияси ЯИМнинг ўзгариш тенденциясига 2011 йил, 2013-2015 йиллар 2017, 2019 йилларда тўлиқ мос келади: давлатнинг инвестор сифатидаги улушини ошириш даврларида ЯИМ қийматининг худди шундай миқдорга ўсиши кузатилади. Бу эса ўз навбатида, ялпи ички маҳсулотнинг ўзгариш тезлиги ва капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмининг ўзгариш тезлиги ўртасидаги мувофиқлигини англатади.

Шундай қилиб, ялпи ички маҳсулотда давлат инвестициялари улуши тенденциясини ҳисобга олган ҳолда, фақат 2014-2015 йиллар ва 2017 йилда инвестиция муҳити энг жозибador бўлганини таъкидлаш мумкин. Бу кўрсаткич 2015 йилда энг юқори чўққига чиқди - деярли 2,3 % га тенг бўлиб, 2% атрофида бўлганлиги меъёр даражасида бўлганлигини ифода этди. 2010 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда ЯИМнинг умумий ҳажмида давлат инвестицияларининг босқичма-босқич қисқариши кузатилмоқда, бу эса бюджет инвестицияларининг роли пасайганидан далолат беради. Агар Фуенте меъёр даражаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг 2010-2022 йиллардаги давлат бюджетидан инвестициялари динамикаси ўртасидаги таққослама таҳлиliga эътибор қаратамиз (2-расм).



2-расм. Қорақалпоғистон Республикасининг 2010-2022 йиллардаги давлат бюджетидан инвестициялари динамикаси ўртасидаги таққослама таҳлили²

Шундай қилиб, давлат инвестициялари улушининг энг паст кўрсаткичлари (2012 йилда 0,8 % ва 2016 йилда 1,1%) бўлган йилларда ЯИМнинг энг паст кўрсаткичлари (мос равишда 2019 йилда 2,0 % ва 2022 йилда 4,5 %) кузатилди. Давлат инвестицияларининг улуши максимал (6,8 %) бўлган 2019 йилда ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши кузатилди. Яъни, давлат инвестицияларининг кўпайиши мамлакат ялпи ички маҳсулоти динамикасига салбий таъсир кўрсатади, деган хулосага келиш мумкин.

График асосида шуни айтиш мумкинки, Қорақалпоғистон Республикаси учун давлатнинг капитал қўйилмалардаги улушининг энг яхши кўрсаткичи 2010-2016 йилларда бўлиб, бунда давлат бюджети томонидан ўртача 3,6 % атрофида бўлиши, Фуенте меъёр даражаси бўйича 1,6 % ни ташкил этиши мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Чунки айнан шу қийматда ЯИМ ўсишининг максимал суръати 110,3 % қайд этилган. Инвесторлар таркибида давлатнинг юқори улуши умумий иқтисодий ўсишга ёрдам беради. Капитал қўйилмалар таркибида давлатнинг улуши 4,0 фоизга яқинлашиши керак ва унинг қисқариши ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келади, бу эса ўз навбатида бутун иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Қорақалпоғистон Республикасидаги давлат инвестициялари билан боғлиқ ҳозирги вазият ноқулай, чунки уларнинг камайиши иқтисодий ўсиш суръатларига бевосита салбий таъсир кўрсатмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар динамикаси мамлакатнинг реал инвестицион жозибдорлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” қонун [6] да келтирилган таърифга кўра, “Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари — чет эллик инвесторнинг ҳукумат кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялари” деб таъриф берилган.

Бу борада “Ўзбекистон Республикасининг “Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [7] фармонда 2022-2023 йилларда амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида ҳамкор инвесторлар томонидан 200 млн АҚШ доллари миқдорида қўшимча инвестициялар жалб қилинишини таъминлаш ва келгусида инвесторлар билан лойиҳаларни ҳамкорликда

амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган қўшимча инвестицияларни ҳисобга олиб, босқичма-босқич 1 млрд. АҚШ долларига етказиш вазифаси белгилаб берилди.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётидаги нотекис ривожланишлар, табиий офатлар ва турли мажораларнинг юзага келаётганлиги хорижий инвестициялар оқимининг ўзгаришига, бу эса инвестиция фаолиятини йўлга қўйиш учун ноқулай сиёсий ва юқори хавфли шароитларда иқтисодиётнинг беқарорлигини келтириб чиқармоқда.

Ушбу маълумотлар меъёрий қийматлардан ва ЯИМдаги инвестициялар ҳажмидан сезиларли даражада юқори эканлигини ва ЯИМдаги тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмини камайишини кўрсатади. Бу Қорақалпоғистон Республикасининг сармоявий сиёсатининг самарасизлигини яна бир бор тасдиқлайди. Мамлакатимизга киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2017-йилда 2,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2022-йил якунида ушбу кўрсаткич 1,5 баробар ортиб, 3,3 миллиард АҚШ долларига етди [8]. Албатта, инвестицион хавфсизлик кўрсаткичлари миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларнинг кўпроқ жалб қилишга ўз таъсирини кўрсатмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

2010-2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида инвестициялар тақсимотининг динамикаси³

| Йиллар | ЯҲМ, млрд. сўм | Инвестициялар ҳажми, ЯИМга нисбатан улуши % (кўрсаткичнинг чегаравий қиймати 25% дан кам бўлмаган) | Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми, млрд. сўм | Йил давомида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўсиш суръати, % да | Тўғридан-тўғри инвестицияларнинг улуши, ЯИМга нисбатан% (чегара қиймати 5%) |
|--------|----------------|--|---|--|---|
| 2010 | 2181,7 | 22,8 | 7,6 | 110,8 | 0,03 |
| 2011 | 2800,3 | 30,4 | 8,3 | 110,0 | 0,03 |
| 2012 | 3561,6 | 34,9 | 9,6 | 115,4 | 0,03 |
| 2013 | 4366,7 | 35,3 | 10,4 | 108,1 | 0,02 |
| 2014 | 5433,8 | 33,4 | 12,0 | 115,5 | 0,02 |
| 2015 | 6703,8 | 35,0 | 15,1 | 125,9 | 0,02 |
| 2016 | 8568,3 | 29,9 | 18,5 | 122,4 | 0,02 |
| 2017 | 10855,1 | 30,7 | 22,2 | 119,8 | 0,02 |
| 2018 | 15622,6 | 30,5 | 29,1 | 131,3 | 0,02 |
| 2019 | 19557,0 | 28,4 | 33,1 | 113,7 | 0,02 |
| 2020 | 21661,9 | 28,1 | 29,8 | 90,0 | 0,01 |
| 2021 | 25681,8 | 31,6 | 31,6 | 106,1 | 0,01 |
| 2022 | 29925,4 | 33,7 | 30,6 | 96,7 | 0,01 |

Бу борада Қорақалпоғистон Республикасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кузатадиган бўлсак, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг улушининг ЯИМга нисбатан энг юқори даражага 2010-2012 йилларда (ўртача 0,03 %) эришган. Аммо, ушбу кўрсаткич сўнги 2020-2022 йилларда ўртача 0,01 %ни ташкил этди.

Иқтисодий таҳлиллар билан бирга тадқиқот ишида эконометрик таҳлилни амалга ошириш мақсад қилинган бўлиб, бунинг учун Қорақалпоғистон Республикасининг 2010-2022 йиллар бўйича статистика маълумотларидан фойдаланган ҳолда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми – Y ўзгаришига асосий капиталга инвестиция – X_1 , иқтисодиётда бандлар сони – X_2 ва республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар сони – X_3 омилларининг таъсирини кўриб чиқамиз. Дастлаб ушбу танланган омиллар ўртасидаги корреляция коэффициенти аниқланади (2-жадвал).

2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини танланган омиллар билан корреляцион боғланиши⁴

| | Y | X_1 | X_2 | X_3 |
|-------|----------|----------|----------|-------|
| Y | 1 | | | |
| X_1 | 0,911422 | 1 | | |
| X_2 | 0,932201 | 0,728703 | 1 | |
| X_3 | 0,951183 | 0,636603 | 0,789437 | 1 |

2-жадвал қийматларига эътибор қаратадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми - Y га нисбатан асосий капиталга инвестиция – X_1 ($r_{Y,X_1}=0,911422$), иқтисодиётда бандлар сони – X_2 ($r_{Y,X_2}=0,932201$) ва республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар сони – X_3 ($r_{Y,X_3}=0,951183$) кучли зичликда боғланган бўлиб, омиллар ўртасида $r_{X_1,X_2}<0,8$ шартга кўра мультиколениарлик мавжуд эмаслигидан кузатилаётган боғлиқлик ўртасида регрессия тенгламасини аниқлашни EViews дастури орқали давом эттириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, танланган омилларнинг ўлчов бирликлари турличалиги боис уларни дастлаб е асосга кўра, натурал логорифмлаб оламиз. Ушбу олинган натижалардан фойдаланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўзгаришининг кўп омилли регрессия тенгламасини аниқлаш ва уни сифат мезонлари асосида текшириш талаб этилади (3-жадвал).

Жадвал маълумотларида келтирилган коэффицентлар қийматларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тенгламани ҳосил қилинади:

$$\ln Y = 0,15 \ln X_1 + 7,08 \ln X_2 + 0,77 \ln X_3 - 45,397608 \quad (1)$$

Аниқланган 1-регрессия тенгламаси параметрларини t-Statistic мезонлари бўйича аҳамиятлилигига эътибор қаратадиган бўлсак, $\alpha=0,05$ ва $df=9$ бўлган ҳолда $t_{жад}=2,262157$ га тенглигидан фақатгина асосий капиталга инвестиция – X_1 ($t_{X_1}=1,598762 < t_{жад}=2,262157$) аҳамиятсизлиги келиб чиқади. Аммо, ҳисоб-китоб натижаларига кўра, таъкидлаш мумкинки, $MARE=0,8841$ бўлиб, бу ўз навбатида $MARE=0,8841 < 10\%$ шартни бажарилиши ва $TIC=0,006 < 1$ коэффицент шунчалик нолга интилишидан прогноз аниқлиги юқори бўлганидан 1-регрессия тенгламасининг X_1 параметрларини аҳамиятлилиги келиб чиқади. 1-регрессия тенгламасини потенциал олинади ва унга кўра қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:

Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг кўп омилли регрессия тенгламаси⁵

Dependent Variable: LNY

Method: Least Squares

Date: 02/27/23 Time: 16:53

Sample: 2010 2022

Included observations: 13

| Variable | Coefficient | Std. Error | t-Statistic | Prob. |
|--------------------|-------------|-----------------------|-------------|-----------|
| LnX1 | 0.146132 | 0.091403 | 1.598762 | 0.1443 |
| LnX2 | 7.078894 | 1.366087 | 5.181876 | 0.0006 |
| LnX3 | 0.772924 | 0.242005 | 3.193838 | 0.0109 |
| C | -45,39761 | 7,150570 | -6,348810 | 0.0001 |
| | | t= 2,262157163 | | |
| R-squared | 0.983288 | Mean dependent var | | 9.074628 |
| Adjusted R-squared | 0.977718 | S.D. dependent var | | 0.886194 |
| S.E. of regression | 0.132285 | Akaike info criterion | | -0.960061 |
| Sum squared resid | 0.157493 | Schwarz criterion | | -0.786230 |
| Log likelihood | 10.24040 | Hannan-Quinn criter. | | -0.995791 |
| F-statistic | 176.5142 | Durbin-Watson stat | | 1.936870 |
| Prob(F-statistic) | 0.000000 | F= 0,258896435 | | |

$$Y = \frac{X1^{0.15} * X2^{7.081} * X3^{0.77}}{e^{45.397608}} \quad (1^*)$$

Ҳосил қилинган 1*-регрессия тенгламасини ҳақиқатдан аҳамиятлилигини $\alpha=0,05$ ва $k1=9$; $k2=3$ бўлганда $F_{\text{жад}}=0,2589$ га тенглигини эътиборга олган ҳолда ҳисобланган Фишер қиймати $F_{\text{ҳис}}=176,5$ тенглигидан $F_{\text{жад}} < F_{\text{ҳис}}$ шартга биноан 1*-регрессия тенгламасининг аҳамиятлилиги ҳамда $DW=1,934$ тенг бўлганлиги боис, автокорреляция мавжуд эмаслигидан тенгламанинг ишончли ва адекватлиги келиб чиқади.

Аниқланган 1*-регрессия тенгламасига иқтисодий изоҳ берадиган бўлсак, унга кўра, Қорақалпоғистон Республикасининг асосий капиталига инвестиция ҳажмини, иқтисодиётда бандлар сони ва республикадаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сонини 1,0 %га оширилса, у ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми мос равишда 422,3 млрд. сўм, 6377,4 млрд. сўм ва 1554,5 млрд. сўмга қўшимча ошиши аниқланди. Ушбу натижадан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий ривожлантириш ва ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини ошириш учун авваламбор, аҳоли бандлигини таъминлашга бу

борада инвестицияни янги корхоналар ташкил қилишга ҳамда ҳозирги кунда инсон капиталига йўналтиришни таъминлаш керак.

Энди Қорақалпоғистон Республикасида инвестициялардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларнинг 2010-2022 йиллар бўйича статистика маълумотларидан фойдаланган ҳолда асосий капиталга инвестициялар ҳажми – Y_{inv} ўзгаришига Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўртача ҳисобланган иш ҳақи– X_1 , иқтисодиётда бандлар сони – X_2 ва республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар сони – X_3 омилларининг таъсирини кўриб чиқамиз. Бунинг учун авваламбор, юқорида таъкидланганидек, омилларнинг тўғри танланганлигига ишонч ҳосил қилиш учун корреляцион боғланиш коэффициенти аниқлаб олинади (4-жадвал).

4-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ялпи асосий капиталга инвестициялар ҳажмини танланган омиллар билан корреляцион боғланиши⁶

| | Y_{inv} | X_1 | X_2 | X_3 |
|-----------|-----------|----------|----------|-------|
| Y_{inv} | 1 | | | |
| X_1 | 0,91753 | 1 | | |
| X_2 | 0,928703 | 0,723587 | 1 | |
| X_3 | 0,836606 | 0,651251 | 0,789442 | 1 |

Жадвал қийматларига эътибор қаратадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикаси ялпи асосий капиталга инвестициялар ҳажми - Y_{inv} га нисбатан ўртача ҳисобланган иш ҳақи– $X_1(r_{Y_{inv},X_1}=0,91753)$, иқтисодиётда бандлар сони – $X_2(r_{Y_{inv},X_2}=0,928703)$ ва республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар сони – $X_3(r_{Y_{inv},X_3}=0,836606)$ кучли зичликда боғланган бўлиб, омиллар ўртасида $r_{X_1,X_2}<0,8$ шартга кўра мультиколениарлик мавжуд эмас.

Минтақавий даражада инсон капиталини ривожлантиришга инвестиция йўналишларига келсак, авваламбор, минтақавий меҳнат бозорига сармоя киритиш. Ундаги вазият аҳоли кенг қатламларининг цивилизацияланган турмуш даражасини шакллантириш, ижтимоий тартибни таъминлаш, фуқаролик жамияти ва ўрта синфни яратиш лозим. Бугунги кунда ишсизларнинг тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантириш уларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишида ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш орқали амалга оширилмоқда. Шу боис, кузатилаётган боғлиқлик ўртасида регрессия тенгламасини аниқлашни EViews дастури орқали давом эттириш мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

Қорақалпоғистон асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг кўп омилли регрессия тенгламаси⁷

Dependent Variable: $LN Y_{INV}$
 Method: Least Squares
 Date: 03/22/23 Time: 09:20
 Sample: 2010 2022

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Сатистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси
⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Сатистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси


Included observations: 13

| Variable | Coefficient | Std. Error | t-Statistic | Prob. |
|--------------------|-------------|-----------------------|-------------|----------|
| LNХ1 | 1.201764 | 0.682059 | 1.761966 | 0.0119 |
| LNХ2 | 1.606978 | 5.570867 | 0.288461 | 0.0495 |
| LNХ3 | 0.079205 | 0.280992 | 0.281877 | 0.0544 |
| C | -11.86542 | 30.72358 | -0.386199 | 0.7147 |
| R-squared | 0.854763 | Mean dependent var | | 8.164469 |
| Adjusted R-squared | 0.806351 | S.D. dependent var | | 0.943804 |
| S.E. of regression | 0.415327 | Akaike info criterion | | 1.328157 |
| Sum squared resid | 1.552466 | Schwarz criterion | | 1.501987 |
| Log likelihood | -4.633019 | Hannan-Quinn criter. | | 1.292427 |
| F-statistic | 17.65591 | Durbin-Watson stat | | 1.938254 |
| Prob(F-statistic) | 0.000412 | | | |

5-жадвал маълумотларида келтирилган коэффицентлар қийматларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тенгламани ҳосил қилинади:

$$\text{Ln}Y_{inv} = 1,2\text{Ln}X1 + 1,61\text{Ln}X2 + 0,08\text{Ln}X3 - 11,86542 \quad (2)$$

Аниқланган 2-регрессия тенгламаси параметрларини t-Statistic мезонлари бўйича аҳамиятлилигига эътибор қаратадиган бўлсак, $\alpha=0,05$ ва $df=9$ бўлган ҳолда $t_{жад}=2,262157$ га тенглигидан танланган омиларнинг бирортаси ҳам аҳамиятли эмаслиги келиб чиқади аммо, муҳимлилик даражаси юқори эканлигини эътиборга олган ҳолда ушбу натижани қанчалик тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун ретроспектив сифат мезонлари MAPE ва TIC билан текширамиз (5-расм).



5-расм. 2-регрессия параметрларини ретроспектив сифат мезонлари натижаси⁸

5-расмда келтирилган маълумотларга асосан таъкидлаш мумкинки, MAPE=2,76 бўлиб, бу ўз навбатида MAPE=2,76 <10% шартни бажарилиши ва TIC=0,019<1 коэффицент шунчалик нолга интилишидан прогноз аниқлиги юқори бўлганидан 2-регрессия тенгласининг барча параметрларини аҳамиятлилиги келиб чиқади. Ҳисоб-китоб жараёнларини осонлаштириш ҳамда натижалар аниқлигига эришиш учун юқорида ҳосил қилинган 2-регрессия тенгласини потенциаллаштириб олинади ва унга кўра қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$Y_{inv} = \frac{X_1^{1.2} * X_2^{1.61} * X_3^{0.08}}{e^{11.86542}} \quad (2^*)$$

Ҳосил қилинган 2*-регрессия тенгласини ҳақиқатдан аҳамиятлилигини $\alpha=0,05$ ва $k_1=9$; $k_2=3$ бўлганда $F_{жад}=0,2589$ га тенглигини эътиборга олган ҳолда ҳисобланган Фишер қиймати $F_{ҳис}=17,66$ тенглигидан $F_{жад} < F_{ҳис}$ шартга биноан 2*-регрессия тенгласининг аҳамиятлилиги ҳамда DW=1,938 тенг бўлганлиги боис, автокорреляция мавжуд эмаслигидан тенгласининг ишончли ва адекватлиги келиб чиқади.

Аниқланган 2*-регрессия тенгласига иқтисодий изоҳ берадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикасида ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақини, иқтисодийда бандлар сонини ва республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар сонини ҳар бирини босқичма-босқич амалга оширадиган бўлсак, мос равишда 121,3 млрд. сўм, 163,1 млрд. сўм ва 8,0 млрд. сўмга қўшимча асосий капиталга инвестиция ҳажми ошиши аниқланди. Олинган натижаларни умумлаштирган ҳолда биринчи навбатда иқтисодийда банлар сонини оширишга бу борада инсон капиталига кўпроқ инвестиция қилиниши лозимлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, биринчи навбатда, чет элга оммавий меҳнат миграцияси кўламини қисқартириш йўллари ишлаб чиқиш лозим. Ушбу жараёнларга Қорақалпоғистон Республикасининг кўплаб иқтисодий фаол фуқаролари, биринчи навбатда, 20-49 ёшдагилар киритилган, бу эса шаклланган инсон капиталини амалда йўқ қилади. Шу боис аҳолининг республикадан ташқарига ноқонуний меҳнат миграцияси кўламини қисқартириш бўйича устувор чора-тадбирлар қаторида хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириб қайтган шахсларнинг ўзини ўзи иш билан таъминлаш ва микро тадбиркорликни рағбатлантириш мақсадли дастурини молиялаштириш муҳим аҳамиятга эга. Инсон капитали иштирокида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг долзарб вазифалари сифатида инновацияларни оммавий равишда жорий этишга қодир юқори малакали ишчи кучи бозорининг торайишининг салбий тенденцияларини бартараф этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Foreign Direct Investment for Development. MAXIMISING BENEFITS, MINIMISING COSTS. OECD, 2020. Head of Publications Service. <https://www.oecd.org/investment/investmentfordevelopment/1959815.pdf>

2. Гулямов С.С., Абдуллаев А.М. и др. Инновационный потенциал и его влияние на конкурентное развитие экономики страны (теоретико методологические аспекты). - Т.: Фан ва технология, 2016 – 884 с.
3. Байхонов Б.Т. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларни тармоқлараро тақсимлашнинг эконометрик моделлаштириш услубиятини такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2019. 14 б
4. G'ozibekov D. G'. Investitsiyalarni moliyalashtirish masalalari. – Т.: «Moliya», 2003. – В. 45;
5. Qo'ziyeva N.R. Xorijiy investitsiya ishtirokidagi korxonalar faoliyatini rag'batlantirishning moliya-kredit mexanizmini takomillashtirish yo'nalishlari. Iqt. fan. dok. ilm. dar. olish uchun yoz. diss. avtoref. – Т.: ВМА, 2008. – В. 11;
6. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 25.12.2019 йилдаги ЎРҚ-598-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/4664142>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 07.09.2022 ПФ-215-сон Фармони. https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/tugridan-tugri_investiciyalar_jamgarmasining_vazifalari_belgilandi
8. 2017-2022 йилларда Ўзбекистонга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1,5 баробар ортди. <https://aniq.uz/yangiliklar/2017-2022-yillarda-uzbekistonga-kiritilgan-tugridan-tugri-horijiy-investisiyalar-hajmi-1-5-barobar-ortdi>
9. <http://www.stat.uz/>
10. <http://www.qrstat.uz/>
11. <http://lex.uz/>
12. <http://miit.uz/>
13. <http://karakalpakstan.uz/>